

3. Мирходжа Д.А. Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2021. – 61 б.
4. Умурзақова М.Н. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тиббий суғуртани ривожлантириш истиқболлари. И.ф.ф.д. ... автореферати. – Т.: ЎЗМУ, 2021. – 57 б.
5. Боев Х.И. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш – давлатнинг бош вазифаси. // Иқтисод ва молия журнали. – Т., 2020. № 4 (136). 127-133-б.
6. Fozzard A., Holmes M., Klugman J. va Withers K. A sourcebook for Poverty Reduction Strategies:Core techniques and cross-cutting issues. Интернет манба: [www.documents.worldbank.org](http://www.documents.worldbank.org) Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март, 188-189 бетлар.
7. 1-жадвал Молия вазирлиги маълумотлари. Интернет манба: [www.mf.uz](http://www.mf.uz) Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март.
8. 1-расм 1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
9. Молия вазирлиги маълумотлари. Интернет манба: [www.mf.uz](http://www.mf.uz) Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 8 февраль.
10. 2-жадвал Молия вазирлиги маълумотлари. Интернет манба: [www.mf.uz](http://www.mf.uz) Мурожаат қилинган сана: 2023 йил 25 март.
11. 2-расм 2-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
12. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар” тўғрисида маъруза. 2020 й.
13. Сычева В.С. «Бедность и её измерение», Социология: 4М, 2012, №15, с.129.
14. Тогаев С. Коллеж битирувчиларини кредитлаш – аҳоли бандлигини оширишнинг асосий истиқболли йўналиши сифатида. 2017.
15. Пардаев М., Пардаев О. Мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш йўллари. // Логистика ва иқтисодиёт журналы. 2020 й.
16. Тогаев С. Qishloq joylaridagi iqtisodiy nochor korxonalarini sog'lomlashtirishda bank xarajatlari va ularni optimallashtirish masalalari. 2014.
17. Жумаев Н.Х., Раҳмонов Д.А. Жаҳон иқтисодиётининг янги иққирози – иқтисодий ҳаракатсизлик. 2020 йил 3 апрель. Манба: <https://www.review.uz/>



## НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ ДАВЛАТ -ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Ишманова Динора Нурмамад қизи -**  
Миллат Умиди Университети ректори  
PhD, доцент

[doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a52](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a52)

**Аннотация.** Ушбу мақолада инфратузилмалар тушунчаси, уларнинг иқтисодий тавсифи ва нефть-газ корхоналаридаги ҳозирги ҳолати таҳлили келтирилган бўлиб, нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш, табиий газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги табиий йўқотишлар меъёрини камайтириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан инвестиция киритиш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда инновацион кластерларни амалиётга жорий этиш, монопол корхоналарга бериладиган давлат субсидияларини қисқартириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** нефть-газ корхоналари, инфратузилма, монопол тармоқ, давлат аралашуви, стратегик бошқарув, давлат-хусусий шерикчилиги.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ УПРАВЛЕНИЯ ИНФРАСТРУКТУРОЙ НЕФТЕГАЗОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА

**Ишманова Динора Нурмамад қизи -**  
Ректор Университета Миллат Умиди  
к.э.н., доцент

**Аннотация.** В данной статье рассмотрено понятие инфраструктур, их экономическое описание и анализ текущей ситуации на нефтегазовых предприятиях, совершенствование механизма управления инфраструктурами нефтегазовых предприятий, снижение нормы естественных потерь при снабжении, транспортировке, распределении и реализации, природного газа, инвестирование иностранными и отечественными инвесторами, реализация инновационных кластеров для повышения конкурентоспособности предприятий и научных исследований, направленных на совершенствование управления на основе государственно-частного партнерства в целях сокращения государственных субсидий предприятиям-монополистам на основе технико-экономического обоснования.

**Ключевые слова:** предприятия нефтегазового комплекса, инфраструктура, монополия, вмешательство государства, стратегическое управление, государственно-частное партнерство.

## THEORETICAL PRINCIPLES OF INFRASTRUCTURE MANAGEMENT OF OIL AND GAS ENTERPRISES BASED ON PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP

*Ishmanova Dinora Nurmamad kizi -  
Rector of Millat Umidi University  
PhD (in economics) associate professor*

**Abstract.** This article describes the concept of infrastructures, their economic description and analysis of the current situation in oil and gas enterprises, improving the mechanism of managing infrastructures of oil and gas enterprises, reducing the rate of natural losses in the supply, transportation, distribution and sale of natural gas, investment by foreign and domestic investors. implementation of innovative clusters to improve enterprises' competitiveness and scientific research aimed at improving management on the basis of public-private partnerships in order to reduce state subsidies to monopolistic enterprises is based on feasibility.

**Keywords:** oil and gas enterprises, infrastructure, monopoly network, state intervention, strategic management, public-private partnership.

**Кириш.** Ўзбекистонда сўнгги йилларда монопол корхоналардаги бошқарув тизимидаги ёндашувларни тубдан ўзгартириш, корпоратив муносабатларни йўлга қўйиш, давлат улушини қисқартириш, нефть-газ корхоналари рақобатбардошлигини ошириш каби жараёнларни жадаллаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда [1]. Монопол тармоқларда давлат улушини камайтиришга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши нефть-газ корхоналари инфратузилмаларининг сифат жиҳатдан ижобий томонга ҳаракатланаётганлигини кўрсатиб беради. Бу борада нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш, табиий газ етказиб бериш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги табиий йўқотишлар меъёрини камайтириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан инвестиция киритиш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда инновацион кластерларни амалиётга жорий этиш, монопол корхоналарга бериладиган давлат субсидияларини қисқартириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

“Инфратузилма” атамаси фанга киритилишининг аниқ санаси маълум бўлмай, кўпчилик тадқиқотларда ушбу тушунча XX аср 40-йилларининг охирида пайдо бўлган дейилса, баъзиларида эса америкалик иқтисодчи П.Розенштейн-Родан томонидан 1955 йилда илмий атама сифатида қўлланилгани қайд этилган. Инфратузилма ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиш шарти ҳисобланган таркибий қисмидир. “Инфратузилма” сўзи лотин тилидан (infrastructure) таржима қилинганда, “тузилмадан ташқарида” маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма моҳиятига қуйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: “инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинувини таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда

ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси” ҳам деб қаралган [2].

Юқоридаги фикрларга ёндашган ҳолда биз инфратузилма атамасининг иқтисодий таснифини қуйидагича изоҳладик: “Infra” – ости, қуйи “structure” – тизим, тузилма. Иқтисодиётнинг тармоқларини ривожлантиришга асос, пойдевор бўладиган тузилмалар мажмуаси [3]. Инфратузилмалар мажмуининг иқтисодий таснифини қуйида келтирилган схемада ишлаб чиқариш инфратузилмаси, мезоинфратузилма, ноишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилма ҳамда институционал инфратузилма каби бўғинларга бўлган ҳолда тадқиқотни амалга оширдик (1-расм).

Кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдинда бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

1-расмда инфратузилмалар мажмуи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмалари таркибига бўлиниши акс эттирилган. Нефть-газ корхоналарига хизмат қиладиган инфратузилмалар мажмуи сифатида ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар таркибида эса ижтимоий ва бозор инфратузилмалари таҳлил қилинган. Нефть-газ корхоналари инфратузилмалар таркибига бўлинган бўлиб, айнан нефть-газ корхоналарига хизмат қиладиган тармоқлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, геология-қидирув, таъминот, газ етказиб бериш жараёнларида айнан инфратузилмалар муҳим аҳамиятга эга.

**Адабиётлар таҳлили.** Инфратузилманинг мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига таъсири ҳақидаги тадқиқотлар кенг тарқалган. Бироқ аксарият тадқиқотчилар ўрганилаётган объект ва унинг мезонлари тўғрисида аниқ тушунчани аниқлаш муаммосини четлаб ўтишмоқда.



1-расм. Инфратузилма мажмуи

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

А.Е.Ланцовнинг илмий ишларида инфра-тузилма инсониятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлиб, усиз кундалик хўжалик фаолиятини амалга оширишни тасаввур қилиб бўлмайди, у ўз-ўзидан иқтисодиётнинг бутун тармоқларини шакллантиради ва унинг даражаси ва сифатини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб таъкидланган [4]

Д.Каннинг ва П.Педрони томонидан инфратузилманинг иқтисодий ўсишга таъсири эконометрик модель асосида таҳлил қилинганда, инфратузилмага киритиладиган инвестиция маълум даражада даромад келтириши асосланган [5].

Д.А.Асчауэр фикрига кўра, инфратузилмаларга жалб этилган инвестицияларнинг сезиларли самараси кузатилган [6]. Яъни бу шуни англатадики, инфратузилмага инвестицияларни 1 фоизга ошириш иқтисодиётнинг хусусий сектори ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,39 фоизга кўпайишини англатади. Ғарб иқтисодий адабиётларида бу жараёни «иқтисодиётнинг сервислашуви» (инглизча «service» – хизмат) деган атама билан номланмоқда. Ишлаб чиқаришнинг сервислашувига қуйидаги омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказди: ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, аҳоли даромадларининг ўсиши, кредит ресурсларига бўлган талабнинг кенгайиши, ишлаб чиқаришнинг алоҳидалашуви ва диверсификацияси, ресурсларни тежашга асосланган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ҳоказо.

А.И.Кузнецова «инфратузилма» атамасини қуйидагича тақдим этади: «Инфратузилма – хўжалик фаолиятининг асосий соҳа ёки турларининг ортадаги ёки ёрдамчи хизматларидир. Одатда, инфратузилмага омор, йўл, кўприк, энергетик, уй-жой, коммунал ва бошқа хўжаликни мансуб, деб ҳисоблайдилар» [7].

А.Ю.Добриннинг таъкидлашича, давлат-хусусий шериклик давлат ва хусусий шерик ўртасидаги турли шаклларда амалга ошириладиган ўзаро манфаатли, ўрта ва узоқ муддатли ҳамкорликдир. Шу билан бирга, ҳамкорликдан кўзланган мақсад ҳам миллий, минтақавий ва маҳаллий миқёсдаги ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишдан иборат [8].

М.Ю.Погудаева давлат-хусусий шериклик маълум муддатга қонуний равишда расмийлаштирилган ва ресурсларни бирлаштириш, таваккалчиликларни тақсимлаш, бир томондан давлат ҳамкори, иккинчи томондан хусусий шерик ҳамкорлигига асосланган келишув асосида бошқарув амалга оширилишини илмий асослайди [9].

В.Варнавский фикрига кўра, инфратузилмаларни бошқаришда давлат-хусусий корхона хусусий секторнинг давлат корхонаси капиталида акциялаштириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан иштирок этишини назарда тутди. Хусусий секторнинг маъмурий ва иқтисодий қарорлар қабул қилишдаги эркинлик даражаси бу ҳолда унинг устав капиталидаги улуши билан белгиланади. Хусусий инвесторларнинг улуши давлатга нисбатан қанчалик паст бўлса, улар давлат аралашувисиз ёки унинг

фикрини инобатга олган ҳолда мустақил равишда қабул қилишлари мумкин бўлган қарорлар доираси шунчалик кичик бўлади [10].

Инфратузилма жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, бу, энг аввало, ишлаб чиқариш жараёнига комплекс хизмат кўсатадиган хизмат турларини яратиш билан боғланган. Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар йиғиндисидан иборатдир, деб қараб келинган эди. Глобаллашув жараёнлари инфратузилманинг кўлами кенгайиб, «бозор инфратузилмаси» ва «институционал инфратузилма» сўзлари истеъмолга кириб келмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий мақолада республикада фаолият олиб бораётган нефть-газ корхоналари инфратузилмаларининг ҳолати, уларни давлат хусусий-шериклиги асосида бошқариш масалаларини таҳлил қилиш, шунингдек, тизимли ва қиёсий таҳлил, иқтисодий статистик каби усуллардан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Унинг таркибига:

- моддий-техника таъминоти;
- маҳсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- техник хизмат кўрсатиш;
- энергетика таъминоти каби бўлинмалар киради.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмаса-да, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор хосил қилиш учун, шунингдек, пероналнинг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади.


Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари, молия-кредит тузилиши ва шу кабилар киради.

Инфратузилманинг ҳар бир тури ҳам нефть-газ корхоналарининг ривожини учун муҳим аҳамият касб этади, аммо республикада нефть-газ корхоналари ҳозирги босқичида асосий эътибор, шубҳасиз, ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмаларини яратиш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлмоғи лозим.

Глобаллашув жараёнлари шароитида хизмат кўрсатишнинг у ёки бу соҳасида корхоналарнинг монопол мавқеини қўлга киритишни инкор этиб, фақатгина соғлом рақобат курашига таяниб ривожланувчи кўп сонли корхоналарнинг вужудга келишини рағбатлантиради. Шу билан бирга, мавжуд инфратузилма тизимлари янгидан шаклланиб келаётган тармоқларнинг хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириши лозим.

Миллий иқтисодиётларни бир-бири билан боғлайдиган ҳамда бутун жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирадиган хилма-хил халқаро иқтисодий муносабатлар турли инфратузилма тармоқларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Қувур орқали етказиб бериш ва конни эксплуатация қилишда инвестор учун инфратузилманинг роли муҳимдир. АҚШ, Канада ва Мексиканинг табиий газ бозорларининг тўлиқ интеграцияси шундан далолат берадики, уч мамлакатнинг нефть-газ инфратузилмалари траекториялари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Ресурсларнинг мавжудлиги, технологик тараққиёт ва нефтнинг глобал нархлари тўғрисида турли хил тахминлар асосида яхлит Шимолӣ Америка табиий газ бозорлари ва инфратузилмасини ривожлантириш орқали ушбу тармоқнинг риожланишига эришиш мумкин [11]. Инфратузилмаларнинг асосий вазифалари тадқиқ этилганда, қуйидаги илмий асослар шакллантирилди (2-расм).



2-расм. Инфратузилма вазифалари

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Юқоридаги 2-расмда инфратузилма вазифалари келтирилган. Таҳлил натижасида халқаро инфратузилманинг ривожланиши жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг шарт-шароитларидан бири ҳисобланади ва унинг ўзи иқтисодий маконларнинг глобаллашуви натижасида глобал инфратузилмага айланган ҳолда ривожланиб бораётганлигини кўриш мумкин. Инфратузилма тармоқларида содир бўлаётган ўзгаришлар ташқи иқтисодий фаолиятларни олиб бориш усуллари таъсир этади ва жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим тизимостиларининг ўзгаришларини келтиради. Шунинг учун интернационализация ва глобализация жараёнларининг ривожланиши инфратузилманинг мавжуд элементларини такомиллаштириш ва янги элементларини вужудга келтиришни талаб этади, бундай инфратузилма эса жаҳон иқтисодиёти субъектларининг ўсиб боровчи турли эҳтиёжларини таъминлаб беради. Халқаро инфратузилмани функцияларига кўра халқаро даражадаги ишлаб чиқариш, ижтимоий, институционал, ахборот инфратузилмаларига бўлиш мумкин.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси функцияларининг миқёси ва ҳажмига кўра энг катта ҳисобланади. У ўз ичига миллий иқтисодиётлар

нинг элементлари ва халқаро ишлаб чиқариш алоқаларини қамраб олади, улар эса моддий ишлаб чиқаришни таъминлайди ҳамда товарларнинг истеъмолчиларга ҳаракатланиши учун шароитларни яратади. Халқаро даражадаги ишлаб чиқариш инфратузилмасига қуйидагилар киради:

- халқаро транспорт, халқаро алоқа, омборхоналар;
- муҳандислик иншоотлари ва қурилмалари, ирригация тизимлари.

Халқаро муҳандислик коммуникациялари ва халқаро тармоқлар:

- электр узатиш линиялари;
- нефть ва газ қувурлари, теплотрассалар, сув қувурлари.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибидаги транспорт инфратузилмасининг нисбатан янги элементи қувур транспорти ҳисобланади. БМТ статистикасига биноан 27 та мамлакатда мавжуд бўлган магистраль нефть қувурларининг узунлиги 436 минг км ни ташкил этади. Энг йирик нефть қувурлари АҚШ ва Россияда жойлашган. Инфратузилмаларни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш турларини қуйида келтирилган расмда акс эттирганмиз (3-расм).



3-расм. Нефть-газ корхоналарида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилма турлари

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Юқоридаги 3-расмда нефть-газ корхоналарида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси келтирилган. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига кирувчи умумий фойдаланишдаги ва корхона ичидаги инфратузилма турларига ажратилса, ноишлаб чиқариш инфратузилмалари корхоналар фаолиятида ижтимоий, экологик ҳамда институционал турларига ажратилади.

Унга асосан мамлакатимизда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантиришга қаратилган кўплаб давлат дастурлари ва лойиҳалар ишлаб чиқарилаётганлиги, корхоналар инфратузилмаларидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бошқа-

рув тизимида маълум муаммолар сақланиб қолмоқда. Дарҳақиқат, инфратузилма соҳаларини ривожлантиришда нафақат дастур ва концепциялар асосида асосли мақсадли кўрсаткичларни шакллантириш, балки айни пайтда уларга эришишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат бошқарувини замонавий тамойиллар билан бойитиш ўта муҳим ҳисобланади.

Дунёнинг энг йирик нефть-газ компанияларини таҳлил қилар эканмиз (1-жадвал), эътиборингизни уларнинг мулкчилик шаклларига қаратишингизни сўраган ҳолда, бугунги кунда ушбу хориж тажрибасини мамлакатимизда фаолият олиб бораётган нефть-газ корхоналарида ҳам синаб кўриш таклифини билдирмоқдамиз.

## Дунёнинг энг йирик нефть-газ компаниялари

№	Энг йирик нефть-газ компаниялари номи	Нефть қазиб чиқариш (баррель)	Компаниянинг йиллик соф фойдаси	Мулкчилик шакли (давлат/хусусий)	Компания томонидан нефть ва газ сотиладиган давлатлар	Умумий нефть ва газ таъминоти	Капиталлашув
1.	SAUDI ARAMCO, Саудия Арабистони	10 млн.	200 млрд. долл.	Давлат компанияси	Хитой, Япония, Жанубий Корея, Тайвань, Филиппин, Ҳиндистон, АҚШ, Канада	260,8 млрд. баррель	1–1,5 трлн. долл.
2.	EXXONMOBIL, АҚШ	4,151 млн.	7,36 млрд. долл.	хусусий	-	20 млрд. баррель	337 млрд. долл.
3.	BRITISH PETROLEUM, Буюк Британия	3,3 млн.	2,59 млрд. долл.	Давлат компанияси	Хитой, Италия, Нидерландия, Финляндия	17 810 млн. баррель	126,83 млрд. долл.
4.	ROYAL DUTCH SHELL, Буюк Британия-Голландия	2,78 млн.	5,083 млрд. долл.	хусусий	-	-	252,12 млрд. долл.
5.	CHEVRON, АҚШ	2,728 млн.	4,17 млрд. долл.	хусусий	-	11,1 млрд. баррель	221,04 млрд. долл.
6.	TOTAL S.A., Франция	2,6 млн.	4,806 млрд. долл.	хусусий	-	10,7 млрд. баррель	134,6 млрд. долл.
7.	SINOPEC, Хитой	2,5 млн.	4,2 млрд. долл. (2017 йил 1-ярим йиллик)	Давлат компанияси	-	-	98,76 млрд. долл.
8.	PETROCHINA, Хитой	2,4 млн.	1,9 млрд. долл.	Давлат компанияси	-	-	213,13 млрд.
9.	STATOIL, Норвегия	2,071 млн.	2,5 млрд. долл.	Давлат компанияси	Буюк Британия, АҚШ, Нидерландия, Германия	-	65,24 млрд. долл.
10.	ГАЗПРОМ, Россия	1,2 млн.	7,035 млрд. долл.	Давлат компанияси	Туркия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Италия, Нидерландия, Финляндия, Франция, Швейцария, Сербия, Польша	Газнинг умумий захираси: 36 443,9 млрд. м <sup>3</sup> Нефтининг умумий захираси: 15 млн. баррель	59,932 млрд. долл.

*Манба:* муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Юқоридаги 1-жадвалда дунёнинг энг йирик нефть-газ компаниялари рўйхати келтирилган. Хориж тажрибаси бугунги кунда монопол тармоқларнинг сонини чеклаш лозимлигини ва босқичма-босқич уларнинг давлат-хусусий шериклигига ўтиши иқтисодий самара келтириши мумкинлиги ҳақида кўп бора таъкидламоқда. Бу тажрибани, айнан, нефть-газ корхоналарида босқичма-босқич қўллаш корхонанинг рақобатбардошлигига эришиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хусусан, “Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш” кўзда тутилган. Жумладан, унда

иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш ҳам кўзда тутилган [12]. Бу эса айти дамда нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини модернизация қилишга кенг йўл очиб беради. Юқорида белгиланган вазибаларни амалга ошириш мақсадида ҳозирги кунгача мамлакатимизда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 7 та дастур ва чора-тадбирлар ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган 8 та дастур ишлаб чиқилган.

Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилишида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегия-

сида таъкидланганидек, энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштириб, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини кириштириш ҳамда иқтисодий тармоқлари ва аҳолига нефть-газ маҳсулотлари узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш масалалари юзасидан тегишли дастурларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳаларини ривожлантириш истиқболлари ва йўналишлари берилган [13].

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, жорий йилда “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 105 та янги қудуқнинг бурғилаб ишга туширилиши, 594 та қудуқда мукамал таъмирлаш ва интенсивсификация ишлари бажарилиши ҳамда 27 та технологик объект қуриб, ишга туширилиши, нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини бошқаришда давлат хусусий-шериклик асосида бошқарув механизмини қўллаш самара бермоқ-

да. “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 67,4 км магистраль газ қувурлари, компрессор станцияларидаги газ ҳайдаш агрегатлари ва 17 та газ тақсимлаш станциялари капитал таъмирланади, реконструкция қилинади ва янгидан қурилади. “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан 222,8 км газ тармоқлари капитал таъмирланади ва реконструкция қилинади ҳамда суюлтирилган газ таъминоти инфратузилмаси ривожлантирилмоқда. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар республикада нефть-газ тармоғи корхоналарининг менежмент стратегиясини такомиллаштириш, монополь тармоқларда давлат аралашувининг кескин қисқартирилишига ҳамда иқтисодий нобарқарор нефть-газ корхоналарини давлат-хусусий шерик асосида бошқаришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги фармони.
2. Rosenstein-Rodan, P. Notes in the Theory of the «Big Push». // P.RosensteinRodan. // Economic Development of Latin America. New York, 1961, p. 60.
3. Ишманова Д.Н. Ўзбекистон нефть-газ корхоналари инфратузилмаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш («Ўзтрансгаз» АК мисолида). 08.00.13 – Менежмент. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати маълумотлари асосида.
4. Ланцов А.Е. Инфраструктура: понятие, виды и значение. / Экономика, Статистика и Информатика. № 3, 2013.
5. Canning D. and Pedroni P. The effect of infrastructure on long-run economic growth. 2004. // The Manchester School. 2008. № 76. P. 504-527.
6. Aschauer D.A. Is Public Expenditure Productive? // Journal of Monetary Economics. 1989. № 23. P. 177-200.
7. Кузнецова А.И. Инфраструктура: Вопросы теории, методологии и прикладные аспекты современного инфраструктурного обустройства. Геоэкономический подход. Изд. 3 URSS. 2013. 456 с. ISBN 978-5-484-01323
8. Добрин А.Ю. Основы государственно-частного партнерства. / Б.А.Волков, А.Ю.Добрин. // Международная научно-практическая конференция «Современные проблемы управления экономикой транспортного комплекса России: конкурентоспособность, инновации и экономический суверенитет». – М., 2015. С. 85-86.
9. Погудаева М.Ю. Механизм государственно-частного партнерства в отраслях производственной инфраструктуры [Текст]. / М.Ю.Погудаева. // Экономический журнал. 2011. Т. 23. № 3. С. 23-31.
10. Варнавский В. Государственно-частное партнерство в России: проблемы становления [Текст]. / В.Варнавский. // Отечественные записки. 2004. № 6. С. 172-180.
11. <https://www.scopus.com/authid/detail.uri?authorId=57202573703&eid=2-s2.0-85090280808>
12. Natural gas infrastructure development in North America under integrated markets 2020.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги фармони.
14. <https://www.ung.uz/> нефть-газ корхоналари инфратузилмалари тўғрисида статистик маълумот, 2023.



#### АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ ИНСТРУМЕНТЛАРИНИНГ ЎРНИ (ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА МИСОЛИДА)

Абдураимова Нигора Раджабовна -  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академиясининг докторанти

 [doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a53](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a53)

**Аннотация.** Ушбу мақолада келтирилган маълумотлар ва унга асосланган таҳлил бандликни таъминлаш учун давлат молиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ушбу тажрибани Ўзбекистон меҳнат бозорига муаммоларни ҳал этишда қўллаш соҳасини янада чуқурроқ ўрганиш учун асос сифатида ўрганилган. Хорватияда амалга оширилаётган сиёсат мисолида меҳнат ресурсларини ўрганишда 30 ёшгача бўлган ишчилар учун ижтимоий тўловлар тизимларида суғурта бадаллари ва шахсий даромад солиғи имтиёзлари тақдими бандликнинг сезиларли даражада ўсиши ва мигрант ишчилар чиқиши камайишига олиб келгани кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** шахсий даромад солиғи, солиқ оғирлиги, умумий меҳнат қиймати, умумий солиқ юки.